

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИН-  
СТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ**

**БИКЕЕВА ЛУИЗА РАВКАТОВНА**

**ХОРАЗМ МОНОКЛИНАЛИ ВА УНГА ЁНДОШ ГЕОСТРУКТУРА  
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КОСМОДЕШИФРОВКАЛАШ  
МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА  
НЕФТ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бикеева Луиза Равкатовна**

Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини  
космодешифровкалаш маълумотлари асосида геологик тузилиши ва  
нефт-газга истиқболлиги..... 3

**Бикеева Луиза Равкатовна**

Геологическое строение и перспективы нефтегазоносности Хо-  
резмской моноклинали и прилегающих геоструктурных элементов по  
данным космодешифрования ..... 21

**Bikeeva Luiza Ravkatovna**

Geological structure and prospects of oil and gas content of the Khorezm  
monocline and adjacent geostructural elements according to the data of  
space decoding..... 39

**Нашр килинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИН-  
СТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ**

**БИКЕЕВА ЛУИЗА РАВКАТОВНА**

**ХОРАЗМ МОНОКЛИНАЛИ ВА УНГА ЁНДОШ ГЕОСТРУКТУРА  
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КОСМОДЕШИФРОВКАЛАШ  
МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА  
НЕФТ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда нефтгаз соҳасининг дунё бўйича ривожланиш тенденцияси янги конларни қидириш ишларини фаоллаштириш чоралари билан биргаликда ва юқори нефтгазлилик потенциали, ривожланган инфратузилма, меҳнат ресурслари билан тавсифланувчи кам ўрганилган ҳудудлар ва литологик-стратиграфик комплексларни жалб этиш билан олиб борилади. Янги конларни қидириш ва уларнинг потенциалларини аниқлашга илғор технологияларни жалб қилиш энг муҳим вазифалардан биридир, ушбу муаммони ҳал қилишга дунёнинг барча нефтгаз компаниялари ўз кучини йўналтирган. Шу сабабли, нефтгаз соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлардан бири, республика ҳудудининг геологик тузилишини ва УВ уюмларини қидиришнинг ўзига хос хусусиятларини Ерни масофадан зондлаш (ЕМЗ)нинг замонавий технологиялари ёрдамида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда чўкинди қопламности комплексларини тузилмавий планларини хариталашда регионал линеаментлар, катта чуқурликдаги ёриқлар, узилмали бузилишларнинг регматик системалари, юқори даражали дарзланиш зоналарини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, дизъюнктив ва пликатив тектоник тузилма белгиларини космосдан олинган суратларни дешифровка қилиш орқали аниқлаш усулини ишлаб чиқиш; бунда линеаментлар, ҳалқасимон тузилмалар, чўкинди қоплам билан кўмилган катта чуқурликдаги криптоморф тузилмалар орасидаги боғлиқликларни аниқлашдаги роли ҳамда чўкинди қопламнинг тузилмавий планларини шаклланишида неоген- тўртламчи давр геодинамик режим ролини асослаш, нефть ва газга истиқболли потенциал формацияларнинг геологик тузилмаси хусусиятларини аниқлаш, излов-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш ва уларни ўтказиш методикасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда масофали ва геологик-геофизик материаллар мажмуавийлигига асосланган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиб, геологик-қидирув ишларига янги замонавий усулларини жорий этиш, фойдали қазилмалар захираларини кўпайтириш ва инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ҳар бир ҳудуднинг табиий ва минерал-хом ашё салоҳиятидан комплекс ва оқилона фойдаланишни таъминлаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Хоразм моноклинали ва унга ёндош бўлган геоструктура элементларини, космик дешифрлаш маълумотларига кўра, геологик тузилиши ва нефтгазлилик истиқболларини асослаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика соҳасини бошқариш системасини тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПҚ-3006-сон «2017-2021 йилларда минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 12 февралдаги Ф-5209-сон «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ 422-сон «Нефть ва газ учун бажариладиган геологик-қидирув ишларини бажариш ва ташкил этиш системасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда нефтгазли ва унга истиқболли ҳудудларни тадқиқ қилишда Ерни масофали зондлаш (ЕМЗ) материалларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Чуқур геологик тузилиш ва тектоник районлаштириш, геодинамик фаол ҳудудларини аниқлаш ва тузилма-тектоник элементларни майдонда ўзаро боғланиш қонуниятларини ўрнатиш, маҳаллий кўмилган кўтарилишларни, палеоузилишларни аниқлаш каби системали ўрганишнинг турли жиҳатларига Михайлов А.Е., Рамм Н.С., Перцов А.В., Кирсанов А.А., Трофимов Д.М., Богословский В.А., Гридин В.И. сингари Россиянинг етакчи олимларининг тадқиқотлари бағишланган.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан Ўзбекистоннинг нефтгазли регионларида нефть ва газга истиқболли объектларни аниқлаш учун космогеологик ва геологик-геофизик кўрсаткичларнинг мақбул комплексини ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларнинг асосий натижалари чет эл ва мамлакатимиз олимлари: Амурский Г.И., Башилов В.И., Борисов О.М., Глух А.К., Долгополов Ф.Г., Нурходжаев А.К., Пашковский В.Н., Розанов Л.Н., Соловьев Н.С., Хикматуллаев Б.С., Юрьев А., Якушевларнинг В.И. ишларида ўз ифодасини топган ва диссертация тадқиқотларини олиб боришда ҳисобга олинган.

Шу билан бир қаторда, юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг илмий асарларида Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементлари ҳудудларига етарлича эътибор қаратилмаган, геологик-қидирув ишлари (ГҚИ) ва масофали тадқиқотларнинг ҳажмлари унча катта эмас ва регионал 1:500000дан йирик бўлмаган масштабга эга бўлган, бу эса мазкур

регионнинг геологик тузилиши ва нефтгазлилик истиқболлари ҳақидаги тасавурнинг тўлиқ эмаслигини кўрсатади.

Шу сабабли, Хоразм региониди ҳар хил спектронал ва радар-топографик космик тасвирларнинг материалларини батафсил тузилмавий-тектоник таҳлил қилиш асосида чуқур геологик тузилишни ўрганишни амалга ошириш, геотектоник районлаштириш ва углеводород конларини қидириш учун истиқболли объектларни аниқлаш долзарбдир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «ИГИРНИГМ» ДМнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: №ПД342-13Б «Ўзгеобурғинефтгаз» АК фаолият ҳудудидаги йирик ва майда конлар зонасида спектрал-қайтарувчанлик тавсифини ўзига хослигини Landsat, TerraLook (Aster), SRTM мультиспектрал рақамли космотасвирларни қўллаш йули билан тадқиқ қилиш» (2014), №ПД 77-15Б «Илгари ажратиб олинган нефтгазга истиқболли объектларни муфассалаштириш ва янгиларига геолого-геофизик комплекси бўйича ва космогеологик белгилари бўйича «Ўзгеобурғинефтгаз» АК фаолият ҳудуди бўйича тавсиянома бериш» (2015), №ПД 247-16Б «Бухоро тектоник поғонасининг ғарбий қисмида (Газли кўтарилмаси ва ёндош ҳудудлар) УВларни тутиб қолувчи тузилмаларни аниқлаш учун истиқболли объектларни ажратиб олиш мақсадида геологик-геофизик ва масофавий маълумотларни комплекс таҳлили» (2017), №8-16 «БХРнинг шимолий-ғарбий қисми бўйича (Хоразм моноклинали, Мешекли ва Питняк кўтарилмалари, Дашкала ва Бургутли-Шортакли эгилмалари) тектоник тузилишлар ва УВларни маҳаллий тузилма потенциал жойлашиш жойини ажратиб олиш мақсадида геологик-геофизик ишлар комплексида топохариталарни тузилма-геоморфологик таҳлили ва космотасвирларни дешифрлаш» (2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** космодешифрлашнинг замонавий усулларида фойдаланиб Хоразм моноклинали ва унга ёндош бўлган геоструктура элементларини геологик тузилишини аниқлаштириш ва нефтгазлилик истиқболларини асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементлари бўлақланиш зонасини мавжуд материаллардан фойдаланиб геологик-геофизик маълумотларини умумлаштириш, системалаштириш ва таҳлил қилиш:

геологик тузилишни литологик-стратиграфик жиҳатдан ўзига хослигини аниқлаш, нефтгазга истиқболли тузилмаларни қидиришнинг тектоник ва нефтгазгеологик мезонларини аниқлаш;

нефтгазга истиқболли чуқур геотузилмаларни хариталаш учун космик тасвирларни дешифрлашнинг комплекс услубини ишлаб чиқиш;

дунё тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган космодешифрлаш усуллари умуллаштириш ва улар асосида Хоразм моноклинали ва унга ёндош бўлган геоструктура элементларининг геологик тузилишини ўзига хослигини аниқлаштириш;

чўкинди қоплам тузилма планини шаклланишида янги тектоник ҳаракатлар ролини баҳолаш;

космодешифрлаш натижасида олинган маълумотларни қўллаш асосида Хоразм моноклинали ҳудудида потенциал-истикболли нефтгазли объектларни башоратлаш усулини ишлаб чиқиш (истикболли тузилмаларни аниқлаш);

Хоразм моноклинали ва унга ёндош бўлган геоструктура элементларининг нефтгазлилик истикболларини асослаш ва геологик-қидирув ишларига нефть ва газга энг истикболли ҳудудларни босқичма-босқич жалб қилиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм моноклинали ва унга ёндош бўлган геоструктура элементларининг чўкинди ётқизиклари қопламаси (юра, бўр) ва оралиқ тузилма қавати ётқизиклари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни дизъюнктив ва пликатив тектоника элементларини, кучайган дарзлик зоналарини, тектоник-тузилма элементларини (тектоник блок каркасини аниқловчи), чўкинди қопламнинг иккинчи тартибдаги тузилма элементларини (гумбаз, вал, эгар, тушилмалар) ва чўкинди қопламнинг учинчи тартибдаги тузилма элементларини (антиклиналар, синклиналлар, моноклиналар, гемиантиклиналар) аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур ишда космик фототасвирларни тузилмавий дешифрлаш усуллариининг замонавий системасидан фойдаланилди, неотектоник ҳаракатларнинг морфометрик таҳлили, радар топографиясининг тузилма-геоморфологик таҳлили ҳамда маълумотларга статистик ишлов бериш усуллари, локал кўтарилмаларни умумий контурларини ва тектоник элементларини, тузилмаларнинг чуқур геологик тузилиши билан боғлиқлигини аниқлаш имконини берувчи рақамли ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳар хил иерархияга, морфологияга, кинематикага, давомийликка ва йўналишга эга бўлган тузилмавий-тектоник дислокациялар системаси ишлаб чиқилган;

космодешифрлашнинг чизиқли элементларининг дизъюнктив табиатлилиги, аниқ-тиниқ чегараларга ҳамда тектоник блоklarнинг геодинамик тавсифига эга тузилмавий-тектоник дарзланиш зоналари аниқланган;

Тянь-Шань ҳамда Серох йўналишларидаги зина ҳосил қилувчи Амударё, Бухоро, Қизилқум олди параград ер ёриқлари зоналарининг I тартибдаги дизъюнктив элементлари сифатида узоқ муддатли эндоген фаолликнинг тектоник тугунининг мавжудлиги исботланган;

тектоник блоklarни бир хил турдаги йўналиш ва ҳаракатлар жадаллиги билан чегараловчи чўкинди қопламини пликатив тахламлилигини назорат қилувчи синикли-блок каркасининг муфассал модели ишлаб чиқилган;

неотектоник фаолланиш характери аниқланди, белги, жадаллик, ҳаракатларни дифференциялашганлик даражаси ва аввал шаклланган



тузилма шаклларнинг фаоллиги аниқланган.

II тартибдаги морфотузилма элементларини узун валсимон кўтарилмалари ва уларни ажратиб турувчи ботиқликлар ва эгарларни ажратиш билан бирга чўкинди қопламнинг геотектоник районлаштириш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чуқур истиқболли геоструктураларни хариталашда қўлланиладиган космик тасвирлар ва геологик ва геофизик материаллардан комплекс фойдаланишга асосланган морфоструктуравий аномалияларни ажратиш мезонларини аниқлаш бўйича методология такомиллаштирилди ва услубий ёндашувлар асосланган;

чўкинди қопламасининг шаклланишининг ҳамма босқичларида пликатив ва дизъюнктив жойлашишга нисбатан тузилма шакллантирувчи ва тузилма назорат килувчи сифатида иштирок этувчи оралик тузилма қаватининг (ОТҚ) синиқ-блокли тузилиши аниқланган;

Ўзбекистон Республикасининг нефтгазга истиқболли объектлар фондиди кенгайтиришга ва углеводородлар ресурс базасини оширишга ёрдам берадиган, углеводород уюмларини топиш учун қулай бўлган зона ва локал морфотузилма аномалиялари ажратиб кўрсатилган нефтгазга истиқболли харита тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** 30500 минг км<sup>2</sup> майдонда Landsat 7ETM+, Landsat TM, SRTM, Sentinel спектрзонал космик тасвирлардан фойдаланиш билан таъминланади. Материалларга ERDAS IMAGINE, ELVIS, ArcGIS замонавий маҳсулот дастури базасида ишлов берилди, бунда мавжуд геологик-геофизик материаллар (чуқур параметрик, таянч, қидирув ва тузилмавий бурғилаш маълумотлари, магнит ва МОГТ 2D сейсморазведка материаллари) ҳам жалб қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кам ўрганилган ҳудудларнинг чуқур геологик тузилишини аниқлаштириш, геотектоник районлаштириш ва углеводородларнинг потенциал жойлашув жойи тузилмавий тутқичларни космогеологик мезонини аниқлаш асосида услуб ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти излов-разведка ишларини олиб бориши учун мақбул зоналарни, нефть ва газга истиқболли майдонларни самарали танлаш, натижада Ўзбекистон Республикасининг углеводород ресурслар базасини ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини геологик тузилишини аниқлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бургутли-Шортакли эгилмаси ҳудудлари бўйича локал антиклиналарни қидириш мақсадида муфассал сейсмик разведка ишларини олиб бориш учун тавсиянома «Ўзбекнефтегаз» АЖ фаолиятига жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 18 ноябрдаги 03-17-5-131-сон

маълумотномаси). Натижада Тўмарис майдонида излов-қидирув ишлари ўтказилиб газоконденсат кони очилиш имконини берган;

Янгиқазган кўтарилмаси худудида юқори юра ва қуйи бўр терриген ётқизиқлардаги тузилмаларни қидириш мақсадида қидирув ва муфассал сейсмик разведка ишларини олиб бориш учун тавсиянома «Ўзбекнефтегаз» АЖ фаолиятига жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 18 ноябрдаги 03-17-5-131-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газга истиқболли Джигербент, Таширкудук, Каттаказан объектлари очиш имконини берган;

Дашкала эгилмаси ва Мешикли кўтарилмалари худудларида МОГТ 2D геофизик ишларни ўтказиш тавсияси «Ўзбекнефтегаз» АЖ фаолиятига жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 18 ноябрдаги 03-17-5-131-сон маълумотномаси). Натижада олинган маълумотлар нефть ва газга истиқболли Джигербент, Жангелди ва Мангуберди объектлари очиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми - 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, унинг мақсади ва вазифаларига таъриф берилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар устивор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий ахамиятлари очиқ кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг биринчи «**Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини ажратиш зонасини ўрганилганлигининг таҳлили**» бобида қисқача геологик, геофизик ва бурғилаб ўрганиш тарихи ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар худудининг тектоник ривожланиш тарихи, геологик тузилиши ва ўрганилаётган жинсларнинг моддий таркибини ўрганишда қуйидаги: Абдуллаев Ғ.С., Абидов А.А., Адилов Д.М., Акрамходжаев А.М., Ахмедов П.У., Бабаджанов Т.Л., Бабаев А.Г., Бакиров А.А., Богданов А.Н., Вялов О.С., Граве М.П., Давлятов Ш.Д.,

Дикенштейн Г.Х., Дмитриев Ю.П., Долгополов Ф.Г., Евсеева Г.Б., Ибрагимов А.Г., Кудряков А.В., Кушников И.В., Лебзин Е.В., Миркамалов Х.Х., Нишанов Б.У., Нугманов А.Х., Пашковский В.Н., Попов В.И., Рамазанов С.Р., Рыжков О.А., Симоненко А.Н., Ситдиқов Б.Б., Смолко А.И., Сотириади К.А., Старобинец Е.А., Узоқов Х., Усманов П.М., Хаимов Р.Н., Хикматуллаев Б.С., Эвентов Я.С., Эгамбердиев М.Э., Ямнов А.А. ва бошқа олимларнинг фундаментал тадқиқотлари муҳим рол ўйнади.

Тадқиқот ўтказилаётган ҳудуд бўйича ўтказилган геологик-геофизик ишлар ҳажми жуда кам. Бу эса регионнинг айрим ҳудудларининг тузилишини аниқлаш учун маълум даражада камлик қилади ва оқибатда излов-қидирув ишларининг самародорлигини пасайишига олиб келади.

Майдони 30500 км<sup>2</sup> бўлган ҳудуд бўйича бор йўғи 8 та қудуқ қазилган. Улардан 5 таси излов, 2 таси параметрик ва 1 таси таянч қудуғи. Бу 3812 км<sup>2</sup> майдонга 1 та қудуғ тўғри келади дегани.

Мукамал сейсмик қидирув ишлари 12 та майдонда ўтказилган (Мангуберди, Саримой, Садирказган, Гультепа, Билур, Кийксай, Кирган, Даутепа, Каравонёр, Шарқий Янгиказган, Мешикли, Янгибазар). Булардан 6 тасида чуқур қудуқ бурғилаш ишлари олиб борилган (Кирган, Даутепа, Каравонёр, Шарқий Янгиказган, Мешикли, Янгибазар). Шулардан 4 таси Янгиказган кўтарилмасида жойлашган.

Шу кунгача 03-ГР шаклдаги истиқболли объектлар фонди ҳисобида қуйидагилар туради: аниқланган тузилмалар – 12 та, булар: Бедеркент (Хоразм моноклиналида); Жангельди, Джигирбент (Дашкала эгилмаси); Аланга, Киркляш, Хаётбаш, Таширқудуқ, Бойқудуқ, Асадбой, Каттаказган (Янгиказган кўтарилмаси); Нодирхон, Темиркан (Бургутли-Шортакли эгилмаси); тайёрланган тузилмалар – 6 та, булар: Мангуберди, Саримой, Садирказган, Гултепа, Билур, Кийксай. Барча тузилмалар Янгиказган кўтарилмасида жойлашган. 3 та тузилма (Тупроққала, Миройдин, Тандирли) бўйича қудуқ қазилган ишлари олиб борилмоқда. Барча майдонлар Янгиказган кўтарилмасида жойлашган.

Тадқиқот ўтказилаётган ҳудудда, яъни Янгиказган кўтарилмасида – 2 та кон (Янгиказган, Ёрқин) ва Бургутли-Шортакли эгилмасида – 1 та кон (Тўмарис) очилган.

Ўтказилган геофизик (магнито-; грави-; электро-; ва сейсмоқидирув) тадқиқотлар ва уларнинг натижалари палеозой даври ҳамда юқори қатлам ётқизиклар бўйича ёриқ-блокли тектоникаси тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришга хизмат қилади.

Қисқа шарҳ хронологик тартибда келтирилган бўлиб, у чуқур геологик тузилишни, тектоникани ва нефтгазга истиқболлини геологик ўрганишдан тортиб замонавий геофизик ишларига қадар турли хил усуллар билан ўрганишга бағишланган асосий ишларни тавсифлайди, амалий тадқиқотлар натижалари келтирилади. Тадқиқот ҳудудининг геологик-геофизик ўрганилганлик бўйича қисқача шарҳ ва унинг тахлили шуни кўрсатдики, геологик-съемка ишлари умумий комплексини хариталашда масофавий

тадқиқотлар жуда кам ҳажмда ва 1:500000 дан йирик бўлмаган масштабда бажарилган.


Диссертациянинг иккинчи «**Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини нефтгазга истиқболли тузилмаларини космодешифрлаш учун бирламчи геологик асос**» бобида тузилма-таркибий жинслар комплексини табиий ётиш шароитларнинг тавсифлари муфассал ёритилган, уларнинг майдон бўйлаб ўзгариш қонуниятлари кўриб чиқилган, регионни тектоник тузилишининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган, тадқиқот бажарилган ҳудуднинг асосий тектоник элементларига қисқача тавсиф берилган. Бу боб фундаментал монографик ишлардан фойдаланиб ёзилган, литологик-стратиграфик кесмаларни тавсифи давлат геологик съёмка ва чуқур бурғилаш материаллари асосида тузилган. Тадқиқ қилинаётган ҳудуднинг геологик тузилишида мезозой-кайнозой (Mz-Kz) ва палеозой (Pz) эраси ётқизиқлари иштирок этади, улар кристалл пойдеворга нисбатан номувофиқ жойлашган.

Ўрганилаётган ҳудудларда палеозой ётқизиқларини ўрганиш билан Абдуллаев Ғ.С., Абидов А.А., Алферов Г.Ю., Ахмедов Н.А., Ахмеджанов М.А., Бабаджанов Т.Л., Богданов А.Г., Борисов О.М., Долгополов Ф.Г., Кулеш А.А., Мордвинцев О.П., Рыжков О.А., Ситдиқов Б.Б., Туаев Н.П., Узаков Х.У., Хаимов Р.Н., Хамрабаев И.Х., Эйдельмант Н.К. ва бошқа тадқиқотчилар шуғулланганлар. Палеозой ётқизиқлари тавсифи уларнинг Султануиздаг тоғ массивлари ҳудудида ер юзасига чиққан ва чуқур қудуқлар билан очилган энг устки қисмларидаги жинсларни ўрганиш асосида берилган (1-расм).

Мезо-кайнозой эраси чўкинди қопламанинг айрим стратиграфик бўлимларини таърифлашда юра ва бўр даврлари комплексининг тўпланиши ва тарқалишига эътибор берилди. Бундай маълумотлар Абдуллаев Ғ.С., Акрамходжаев А.М., Ахмедов П.А., Бабаев А.Г., Бакиров А.А., Бараш Б.И., Гафурова Н.А., Евсеева Г.Б., Жуковский Л.Г., Ибрагимов А.Г., Миркамалов Х.Х., Нугманов А.Х., Сафонова Л.Н., Сотириади К.А., Симоненко А.Н., Сулейманов И.С., Фортунатова Н.К., Хайитов Н.Ш., Хикматуллаев Б.С., Эгамбердиев М.Э. ва бошқа муаллифларнинг ишларида берилган.

Тадқиқот ҳудуди палеозой ҳосилаларнинг унча чуқур бўлмаган чуқурликда (1000-2500 м) ётиши билан, қалинлик кам бўлган юра даври ётқизиқлари билан, кесими қисқарган бўр, палеоген ва тўртламчи-неоген, ётқизиқлари билан тавсифланади (кўриб чиқилаётган ҳудуднинг чекка қисмларида қоплама ётқизиқларнинг кесмаси кўпинча палеозой пойдеворнинг устида ётувчи сеномандан ва баъзи бир жойларда турон ярусларидан бошланади).

Мезозой эраси давомида чўкиндиларнинг тўпланиши узлуксиз тебранма ҳаракатлар фонида бўлиб ўтган, бунда геотектоник тартиб асосан ботиклик ҳаракатининг ривожланиши билан тавсифланган. Шуни айтиб ўтиш керакки, юра ва бўр ётқизиқлари кесимининг узлуксизлиги ҳамда қалинликни қонуний камайиши юра ва бўр системасининг деярли ҳамма стратиграфик бўлинмаларида жанубдан шимол томон содир бўлган.



**1-расм. Султониздаг ороген зонасининг космогеологик харитаси (Бикеева Л.Р., 2020)**

*а - космофотографларни талқин қилиш маълумотлари бўйича тузилган космогеологик харита; б - литологик ва стратиграфик комплексларни ва уларнинг фазовий алоқаларини аниқлаш ва қуатиш схемаси; в - умумлаштирилган литологик-стратиграфик устун (П.П. Чуенко, А.И.Смолко, Б.Б. Мингарц материаллари ҳамда USGS кутубхонаси асосида КФС спектрал таҳлили асосида тузилган)*

Тектоник нуқтаи назардан тадқиқот ҳудуди Турон плитасининг жанубий-шарқида ажралиб турган Амударё синеклизасининг таркибий қисмига киради. Амударё синеклизасининг шимолий ён девори II тартибдаги тузилма элементлари билан мураккаблашган, қайсики уларга Бухоро, Чоржўй поғоналарининг ғарбий тугалланиши ва Хива ботиқлигининг шимолий тугалланиши киради. Чоржўй ва Бухоро поғоналари кенглиги шимоли-ғарбий йўналишда аста-секин кичиклашиб боради. Поғоналарнинг геологик ривожланишини фарқлари кечки палеозойда улар бир биридан ажралганда аниқ кўринади (Чоржўй поғонаси Бухоро параград ёриқлиги чизиғи бўйлаб Бухоро поғонасига нисбатан пастга тушган). Эрта мезозойда ёриқликнинг таъсири юра системаси кесмасининг характериға, қалинлигига, юра системаси кесимининг тўлиқлигига ва поғоналарнинг нефтгазлилигини стратиграфик диапазонларида сезилади. Чоржўй поғонасида нефтгаззлилик диапазонининг юқори чегараси кимериж-титон галоген ҳосилалар билан тўсилган келловей-оксфорд карбонатлари билан чегараланган. Бухоро поғонасидаги туз-ангидрит формациялар УВларни

вертикал миграциясига тўсик бўлаолмайди, юра карбонатларидан ташкари уларнинг пастки қисмида ётувчи қуйи бўр (неоком) коллекторлари ҳам нефт-газlidir.

Юра ва бўр даврларида мавжуд бўлган палеотектоник ва палеогеографик шароитлар регионал нефтгаз ҳосил бўлиш жараёнларини ривожланиши учун қулай бўлган, чунки чўкиндиларни седиментация ҳавзаси нисбатан ботиклик фонидан денгиз, лагуна ёки қирғоқ-олди субаквал шароитларида бўлган. Чўкма йиғилишнинг континентал шароитлари қуйи ва қисман ўрта юра даври, неоком ва апт ярусларида мавжуд бўлган. Амударё ботиғининг тектоник ривожланиши, она нефтгаз қалин қатламларини ҳосил бўлиш зонасидан нефтгаз йиғилиш зонасига ўтишига ёрдам берган.

Юра ва бўр ётқизиқлари регионал миқёсда нефтгаз маҳсулотига бой ҳисобланади. Юра даврини: XVIII, XVII горизонтлари (Гугуртли кони), қўйи-ўрта юра ( $J_1$ - $J_2$ )га тегишли; катта тарқалиш майдонига эга бўлган юқори юра ётқизиқлари XVI, XV, XVa, XV-I, XV-II горизонтлар асосан карбонат жинсларидан ташкил топган (Гугуртли, Даяхатин, Миркомилқудуқ, Каромат, Учқур, Тўмарис). XIV+XV+XVa горизонтлар юқори юра  $J_3$  терриген ётқизиқларидан иборат (Янгиказган). Қуйи бўр терриген ётқизиқларида УВ уюмлари қуйидаги горизонтларда мавжуд: XIVa, XIVб, XIII, XIIa, XIIб, XI (Гугуртли, Гарби, Ёркин, Янгиказган). Тадқиқот ҳудудининг жануби-ғарбий қисмида Ачак, Северний Ачак конларининг бўр даври неоком-апт терриген ётқизиқларида мустақил резервуарлар ажралиб туради, терриген ва карбонатли ётқизиқларни қайта қаватланишидан ҳосил бўлган юқори юра ётқизиқлари саноат миқёсида газли ҳисобланади.

Учинчи **«Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини нефтгазга истиқболли тузилмаларини космодешифрлаш методи»** бобида тадқиқотлар услублари, асосий усуллар ва уларни ҳал қилиш кетма-кетликлари баён қилинган (2-расм.). Тадқиқотлар бир нечта этапларда параллел ва бир-бирини тўлдириб амалга оширилади. Биринчи босқичда замонавий дастурий материалларни (Erdas Imagine) қўллаган ҳолда ҳар хил таркибли ва частота диапазонли (оптик, яқин инфрақизил, қисқа тўлқинли инфрақизил ва иссиқ инфрақизил диапазонли) ЕМЗ материалларига компьютерда ишлов бириш ишлари бажарилади. Масофадан олинган материалларга турли кўринишда ва усулда ишлов бериб дешифрлашда (тузилмали дешифрлаш устунликка эга) чизиқли ва ёйсимон элементлар ажратилади.

Айтиб ўтилган дешифрлаш элементларининг ҳар бири ўзининг информацион катагига эга ва маълумот олиб юради: биринчиси (линеаментлар) – ёриқ-блокли тектоника, қатламаларни дизъюнктив деформацияси ҳақида; (иккинчиси КС) - бурмаланиш тектоникаси, қатламаларни пликтив деформацияси ҳақида.

Ушбу концепцияда пойдевор ҳамда чўкинди қоплам ва линеамент дарзланиш системасининг линеамент-блокли (ёриқ-блокли) тузилиши ҳудуднинг-маҳсулдорлигини шахлантириш учун зарур бўлган элемент

сифатида қаралади. Линеаментлар таркибида дир ёки бирнеча тутқичлари бўлган нефтгазли ҳудудларни блокларга бўлади.

Нефтгазга маҳсулдорлик линеамент дарзликларнинг структура ҳосил қилувчанлик ва флюид ўтказувчанлик функциялари билан боғлиқ. Кейинги этап янги тектоник ҳаракатларни ва замонавий геодинамикани морфометрик таҳлилини ўтказишдан иборат, улар ўзининг жадаллиги ва йўналиши билан УВ конларини шаклланиши ёки умуман бузилиб кетишини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Тектоник ҳаракатларни фаоллашиши (олигоцен-антропоген вақтларида  $\approx 36$  млн. йил) уюмлар миграцияси, аккумуляцияси ва консервацияси шароитларини келтириб чиқарди. Бошқа геологик-геокимёвий кўрсаткичлар билан комплексдаги неотектоник ҳаракатларнинг жадаллигига (амплитудани ошишига), суюқ ва газсимон углеводородларнинг таркибий қисмларига, ўлчамлари майдон бўйлаб тақсимланишига ва қайта тақсимланишга таъсир кўрсатди. Методик усулларни танлаш тадқиқот ҳудудининг сезиларли даражада ўзига хос орографик ва геологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб қолди. Рельефининг рақамли модели базасида, қадимий водийлар тальвегида (дарё ўзанининг энг чуқур жойини боғловчи чизиқ) ва юқори эоцен даврининг юқори қисмининг стратиграфик позицияларида деформациялар, самарадорлигининг жамланган микдорий баҳоси ҳисобланади (жамланган вертикал ҳаракатларнинг амплитуда харитаси).

Тадқиқотларнинг якуний босқичида илгари ўтказилган геологик-геофизик тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил диапазондаги космик тасвирларни дешифрлаш натижаларини комплекс қайта ишлаш ва интерпретациялаш ишлари бажарилади.

Космик фото суратлар (КФС)ни тузилма-тектоник дешифрлаш қуйидагиларни беради: нефтгазли ҳудудларни геологик тузилишини аниқлаштириш, қўшимча тузилма-тектоник маълумот олиш (майдон бўйлаб ўрганилаётган объектлар бўйича алоҳида-алоҳида бўлмаган; бурғилашда нуқтали), яъни фаоллашган пойдевор блокларини қайси майдонга тегишлигини аниқлаш, чўкинди қопламасида уларга тўғри келдиган манфий ва ижобий тектоник дислокациялар шакллариини жойлашувини, антиклиналар, синклиналар, структура майдонлари, тузилма бурунлари, моноклиналар; палеозой ёшидаги чуқур горизонтлар ва чўкинди қоплами билан боғлиқ бўлган ёриқ зоналарини ажратиб кўрсатиш (улар ёриқ олди зоналарида тахминан УВнинг вертикал-блок миграциясида флюид ўтказувчи канал ҳисобланадилар); УВ тўпланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган тузилма шакллариини ўрганиш (айрим локал структураларни белгилаш, истиқболли структуравий тутқичларни аниқлаш ва тайёрлаш).

Туртинчи **«Хоразм моноклинали ва унга ёндош геоструктура элементларини космодешифрлаш маълумотларига кўра нефтгазлилик истиқболлари ва нефть ва газ уюмларини излаш йўналишлари»** бобида нефть газ уюмларининг шаклланиш шароитлари ва жойлашиш қонуниятлари баён қилинган. Нефтгазга истиқболли объект сифатида углеводород уюмларини шаклланишига қулай бўлган алоҳида блоклар ва уларни назорат



қилувчи ёриқли бузилишлар зоналари ажратиб олинади. Ажратиб олинган КФСда яхши белгиланидиган линеамент кўринишдаги зоналар тўсиқ (кулиса) сифатида ёки субпараллел ҳолда жойлашган бир неча ёриқлардан иборат. Йўналишига кўра улар тўрт гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ ёриғи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, намоёнланиш морфологияси ва масштаби билан боғлиқ бўлади. Шимоли-ғарбий (тянь-шань) йўналиши бўйича регионал линеаментлар орасида иккита I ва II тартибли гуруҳлар ажратиб олинган. Биринчи тартибли линеаментлар пойдеворни поғонали чўкишига олиб келди.

Бу турга Қизилқумолди, Бухоро, Амударё параград ёриқлари киради. Ажратилган линеаментларнинг шимоли-ғарбий йўналишдаги давомлийдигани 160-250 км бўлиб, тадқиқот ҳудудини тўлиқ кесиб ўтади. Геологик ва тектоник ривожланишнинг ҳар хил этапларида бу дизъюнктив ёриқлари йиғилаётган чўкмаларга регионал тўсиқ бўлиб келганлар.

Геофизик майдонларда улар магнит изоаномалиянинг йўл-йўл градиентлари кўринишида ифодаланади. Тянь-Шань йўналишининг иккинчи тартибдаги элементлари кам давомлийдиганга эга ва майда ёриқлар тармоғини ташкил қилиб уларнинг давомлийдигани 20 дан 120 км гача, улар майда блоклар билан тўсиб поғонали тузилишини мураккаблаштиради.

Линеаментлар бўйлаб шимоли-шарқий (антитянь-шань) йўналишида ёриқли бузилишларнинг давомлийдигани 70 дан 150 километргача етади. Бурмаланган асослар шаклланиш вақтида яна бир қатор кўндаланг майда блокларга ажралиб кетади.

Шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий йўналишларидаги ёриқларга нисбатан ортогонал кўринишда бўлган меридионал ва субкентглик йўналишларидаги линеаментлар ажратилади, улар КФСда фрагментар кентлиги 20 км гача бўлган зоналар кўринишидаги, бирин-кетин жойлашган линеаментлардир.

Шундай қилиб, пойдеворда ҳосил бўлган ёриқлар чўкинди қоплам чўкмалари йиғилиши бошланишида шаклланиб, ҳар бир янги қатламларга ажралиб, чўкинди йиғилиши давомида мавжуд ёриқларни янгилаб ва яна янги ёриқларни ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

КФСларни дешифрлаш натижасида линеамент ёриқларининг мураккаб тармоғи аниқланган. Ҳар хил тартибдаги структураларни ўзаро боғлиқлигини, тектоник дарзликлар зичлиги тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган тармоқ ҳар хил масштаби деформацияларнинг интеграциялашган эффект йиғиндисидир.

Линеаментларнинг давомлийдигани қонуниятларини аниқлаш ва ўрганиш учун сифат ва миқдорий морфоструктура усули қўлланилди. Биринчиси, линеаментларнинг йўналишини ўрганиш ва иккинчиси- тадқиқот ҳудудининг ҳар бир тектоник элементи учун аниқланган линеаментларнинг давомлийдигани ўрганиш.

Линеаментлар йўналишини сифат ва миқдорий ўрганиш бузилишларни трассалаш, ёриқли бузилишлар таъсир зоналарни аниқлаш ва ажратилган йирик дислокация зоналарини билиш учун қўлланилди.




Линеаментларнинг тақсимланиш таҳлили тўртта схема бўйича ўтказилди, улардан ҳар бирига бир йўналиш ёки яқин бўлган йўналиш линеаментлар ўтказилди. Бўлиши мумкин бўлган субъектив хатоларни олдини олиш учун линеаментларнинг тақсимланишини умумий кўриниши ҳамда тадқиқот ҳудудининг алоҳида тектоник элементлари ва кўрсаткичлари ва жамланди.

Натижада ёриқларнинг асосий йўналиши аниқланди, унда геологик тузилишнинг кўп локал хосликлари ўз ифодасини топди ва бу ҳисоб (фоизли роз-диаграммалар тузиш йули билан) нисбий катталикларга ўтказилади.

